Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
26-noyabr,
shanba

№ 141
(3802)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## Юксак эътибор мардона хизматга ундайди

**Ангрен шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига янги уй-жойлар топширилди.**



Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Ёш чегарачилар» клуби аъзолари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида замонавий қурол-яроғ ва техника, етук ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш йўлида амалга оширилган изчил ислоҳотлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз хавфсизлиги ва унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш йўлида юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз осойишталигини қўриқлашдек шарафли вазифани адо этаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашнинг тегишли дастури асосида ҳарбийлар оилаларини мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, турар жойларда хонадон эгалари эҳтиёжига тўла жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит яратишга эътибор қаратилаётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2007 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ангрен шаҳридаги «Жигаристон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган замонавий уйлар атрофи ландшафт дизайни талаблари асосида ободонлаштирилди. Турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Спорт майдончасида катта-кичик қурилмалар ўрнатилди.

— Ватан ҳимоячисининг хонадонида бутунлик бўлса, зиммасига юклатилган ҳар қандай мураккаб топшириқни мардона бажара олади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган сержант Муҳаммаддовуд Шокировнинг отаси Абдураҳим ака. — Бутунлик эса ўз уйинг, ватан ичра ватанинг бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу уй нафақат ўғлимга, балки бутун оила аъзоларимизга чинакам туҳфа бўлди. Бугун уй тўйига онаси билан келиб, фарзанду набираларимиз кўзларидаги бахтиёрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Оиласидан, яшаш шароитидан кўнгли тўқ бу ўғлонлар Ватан ҳимояси йўлида янада сидқидилдан хизмат қилади.

Тадбирда санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**И.АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

«Соғлом она ва бола йили»
Давлат дастури — амалда!

**Соғлом она ва бола йилида халқ манфаати, оналар ва болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишларида амалга оширилган кенг кўламли ишлар тарих зарварақларига муҳрланиши, шубҳасиз. Кўплаб хайрли ишларни ўзида мужассамлаштирган йил Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта.**

## Кўлами кенг эзгу ишлар

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда касаба уюшмаларининг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришда фаол иштирок этилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг тайёрланишида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 138-, 182-, 100-, 103-, 111-Конвенцияларига иш берувчилар томонидан риоя этиш талаби корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган 90 276 та жамоа шартномасида ўз ифодасини топган бўлиб, уларга тўлиқ амал қилиниши юзасидан касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда.

Касаба уюшмаларига аёллардан тушган жами 3439 та мурожаат кўриб чиқилди. «Ишонч телефонлари» орқали 1127 нафар аёлга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 692 та мурожаат бўйича талаблар қаноатлантирилиб, 596 нафар аёлнинг қонуний ҳуқуқи тикланди.

(2).

Сайлов — 2016

## Хатамжон Кетмоновнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 25 ноябр куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши раиси Р.Муртазоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили О.Равшанов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Қашқадарё вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, ғалланинг 13 фоиздан ортиғи, пахтанинг 14 фоиздан зиёди ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келади. Юртимизда саноат маҳсулотларининг 9,5 фоизи айнан шу вилоятда ишлаб чиқарилмоқда.

«Шўртаннефтгаз», «Муборакнефтгаз» корхоналари, «Шўртан газ-кимё» мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Талимаржон иссиқлик электр станцияси, «Ҳисор-нефтгаз» каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз иқтисодий ривожида алоҳида аҳамиятга эга.

Номзоднинг сайловолди дастури Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, миллий манфаатларга содиқлик, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорликни сақлаш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади — ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилгани таъкидланди.

Кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни ошириш, ўз бизнесини ташкил этиши учун мақсадли фойдаланиш шарти билан, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммасини бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмини жорий этиш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назорати самарадорлигини янада ошириш орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Қарши шаҳридаги 3-оилавий поликлиника бош шифокори М.Бозорова, Қарши саноат касб-ҳунар коллежи директори Б.Ашуров, Қарши шаҳридаги 29-умумтаълим мактаби директори Ж.Тўрақулова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудираси Ш.Худойқулова ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни Ватанимиз келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА**

## Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси

**Жорий йилнинг 25 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, халқаро кузатувчилар, журналистлар иштирок этди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мониторингнинг дастлабки натижалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар жорий йилнинг 28 октябридан бошлаб мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз ғоя ва қарашлари, таклиф ва ташаббуслари акс этган сайловолди дастурларини сайловчилар, умуман, кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган ташвиқот тадбирларини олиб бормоқда. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда, жумладан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишда номзодларга тенг шароит таъминланмоқда.

Номзодлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканаллари, ҳудудий теле ва радиоканалларда тақдим этилган бепул эфир вақти, шунингдек, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталари, ҳудудий газеталарда ажратилган бепул нашр майдонидан ташвиқот мақсадида самарали фойдаланмоқда.

Номзодлар ва оммавий ахборот воситалари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилиб келмоқда. Сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

Мажлисда овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида барча бўғиндаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан катта иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун сайлов участкалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ҳар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида ахборот мавжуд. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Телерадиоканалларда сайлов санаси ҳақида информацион роликлар, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов куни овоз бериш тартиби, сайлов бюллетени, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг сайлов кунидаги фаолияти ҳақида кўрсатув, видеоролик, эшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Бугунги кунда сайлов куни ўз яшаш манзилида бўлиш имконияти йўқ сайловчилар учун муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Сайлов куни овоз бериш жараёнини онлайн режимида кузатиш, мамлакатимиз ҳудудлари билан видеоалоқа орқали мулоқот олиб боришни таъминлаш мақсадида ягона компютер тармоғи яратилган. Жамоатчиликни сайловнинг бориши ҳақида хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов куни, яъни 4 декабрда онлайн брифинглар ўтказилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

Тақдимот

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган тадбирда Қонунчилик палатасининг янгиланган www.parliament.gov.uz расмий веб-сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

## Янги веб-сайт орқали

Янги таҳрирдаги веб-сайт Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнлари, ахборот-маслаҳат таъминоти, Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятини қўшимча ахборотлар билан таъминлаш хизматларини йўлга қўйиш, фракциялар, депутатлик гуруҳлари, қўмиталар, депутатлар ва жамоатчилик, шунингдек, экспертлик бирлашмалари ўртасида электрон мулоқотни амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, сайтдан фойдаланувчилар қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича ўзларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдириши, шунингдек, электрон мунозараларда иштирок этишлари мумкин.

Сайтнинг янгиликлар лентаси Палата, унинг фракциялари ва қўмиталари томонидан ўтказилаётган ўта муҳим тадбирлар тўғрисидаги янгиликлар бўлимини ўзида мужассам этган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ахборот хизмати раҳбари Ҳожиакбар Тўлагановнинг айтишича, янги ишлаб чиқилган веб-сайт смартфонлар орқали фойдаланиш учун қулайликни оширувчи мобил версиясига ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилидаги шаклларига эга. Шунингдек, кўзи заиф шахслар учун ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Маънавият соати

## Қомусимиз – таянчимиз

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамкорлигида навбатдаги «Маънавият соати» ташкил этилди. Республикамиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги олдидан уюштирилган тадбир «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик ва халқчил қомус» деб номланди.**



Тадбирда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари доктори, профессор Бобоқул Тошевнинг маърузаси тингланди. У Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди. Жумладан, мустақил давлатимиз Қомусининг яратилиши, давлат ҳокимиятини ўрнатиш, унда инсон ҳуқуқлари кафолатларига урғу берди. Шунингдек, маърузачи Конституциямизда «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» деб белгилаб қўйилган 59-моддасига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда касаба уюшмаларининг ҳимоя функциялари асосан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя, бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси каби йўналишларда амалга оширилаётганини таъкидлади. Муҳими, ислоҳотлар негизида, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари устуворлиги ўрин эгаллашини таҳлилий мисоллар орқали тушунтирди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Икром ҲАСАНОВ олган сурат.*

### ХАБАР

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2016 йил 25 ноябр куни Тошкент вақти билан соат 19 дан 19 дақиқа ва 19 дан 25 дақиқа ўтганда икки марта ер силкинди. Зилзила маркази Тошкент шаҳридан 410 километр узоқликда, шарқий йўналишда, Хитой ҳудудида қайд этилди.

Ернинг силкиниш кучи Тошкентда 3, Наманганда 3-4, Андижонда 3-4, Фарғонада 4 баллни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида сейсмик фаоллик кузатилмади. Вайронгарчилик ва шикастланганлар ҳақида маълумот йўқ.

**ЎзА**

# Кўлами кенг эзгу ишлар

⇖(1).

Чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шароитлар яратиш борасида бир қатор хайрли ишларга қўл урилди. Хусусан, мустақиллик байрами арафасида эҳтиёжманд оилаларнинг 4 060 нафар аёли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган электрмаиший техника жиҳозлари билан таъминланди.

Тиббиёт муассасалари жумладан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар доирасида касаба уюшмалари фаол қатнашди. Чунончи, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Гўдаклар уйида тарбияланаётган, вилоят ҳудудларидан 19 нафар жисмоний имконияти чекланган болаларга, Қува ва Бешариқ туманларидаги Она-бола тиббий сиҳатгоҳларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.



ЎзА сурати.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 416 нафар аёл, 406 нафар таълим ҳамда тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Ёш оилаларнинг 209 нафар аъзоси «Умид гулшани» санаторийсига йўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, санаторийлар атрофида жойлашган маҳаллалардаги 1 минг 145 нафар она ва бола тиббий ташхисдан ўтказилиб, амбулатор шароитда соғломлаштирилди.

Хотин-қизлар касалликка чалинишининг олдини олиш юзасидан ҳам комплекс профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, уларнинг оғишмай амалга оширилиши йўлга қўйилди. Мониторинг натижаларига кўра, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 2 610 982 нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтганлиги аниқланди. Хотин-қизларга меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси масалалари юзасидан 475 та корхонада тушунтириш ишлари, 320 та корхонада «Аёл оиланинг, жамиятнинг ишончи ва таянчи» мавзуида тренинглар ташкил қилинди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ҳудудлардаги тиббий кўмакталаб, қандли диабет касаллигига чалинган, туғма эшитиш қобилияти паст бўлган 280 нафар репродуктив ёшдаги аёллар ва 14 ёшгача бўлган болалар эшитиш аппаратлари ҳамда глюкометрлар (тест полоскаси) билан таъминланди.

Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини қуриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш йўналишларида тизимли ишлар олиб борилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. Федерация Кенгаши томонидан ташкил этилган «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларининг корхона, ташкилот босқичларида 100 329 та, туман босқичларида 2 961 та, ҳудудий босқичларида 372 та, республика босқичида 28 та оилавий жамоа иштирок этди.

«Касаба-тур» республика веломарафонининг қуйи босқичларида 23 минг 694 та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 3 млн. 200 мингдан ортиқ ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида эса 7 минг нафардан ортиқ ҳаваскор велоспортчилар қатнашди.

«Ёш чегарачи» спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, республика якуний босқичи Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтди.

Эътиборга молик яна бир муҳим жиҳат шуки, оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эр-хотин, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат руҳини яратиш йўналишида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, меҳнат жамоаларида мазкур мавзуларга бағишланган «Маънавият соатлари», учрашувлар ва давра суҳбатлари уюштирилиб, уларда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган отахон ва онахонлар, олимлар, маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштироки таъминланди.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида республикамизнинг турли ҳудудларидаги 17 та таянч мактаб-интернатга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 12 минг нафар биринчи синф ўқувчилари онгига тозалик ва саранжом-саришталик тартиб-қоидаларини сингдириш мақсадида махсус қўлланмалар ва санитария-гигиена воситалари тўпламидан иборат совғалар тақдим этилди.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимлари оилалари Ватан ҳимоячилари куни, Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Мустақиллик байрамлари муносабати билан моддий-маънавий қўллаб-қувватланди.

«Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, иқтидорли ўқувчилар ва эҳтиёжманд оилаларнинг 14 минг нафарга яқин фарзандлари музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, театрларга олиб борилди. 1 268 нафар болажонларнинг «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида тарихий шаҳарларга саёҳати ташкил этилди. Ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан, жами 140 нафар кўзи ожиз талаба ва ўқувчилар махсус мактаб анжомлари билан таъминланди.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари тизимидаги «Турон», «Умид гулшани», «Термиз марвариди», «Оқтош» санаторийларида кенг кўламдаги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, мавжуд «Она ва бола» бўлимларида оилавий дам олиш ва болалар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларнинг қарийб 57 минг нафар фарзанди ўқув анжомлари билан таъминланиб, корхоналар ходимларининг 5 370 нафар фарзанди учун спорт тўгаракларига қатнаш харажатлари қопланди. Шунингдек, 8 минг 326 нафар аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари куни узайтирилди. Икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган 20 минг нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 9 минг 875 нафар ёш болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Республикамизнинг турли ҳудудларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 1000 нафарга яқин аёлнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди.

Барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан жойларда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида «Аёли қадрланган диёр», «Аёл борки, олам мунаввар», «Аёл — оила чароғбони» каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хусусан, ишлаб чиқариш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият юритаётган, фермерлик ва тадбиркорлик, касаначилик ва уй меҳнати билан машғул илғор ва фаол хотин-қизлар, фахрий аёллар рағбатлантирилди. Ижтимоий ҳимоятталаб хотин-қизлар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Бўлажак оналар бўлмиш қиз болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишини, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига ҳисса қўшишга қаратилган тадбирлар доирасида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 300 нафар эҳтиёжманд, иқтидорли талаба қизга касаба уюшмалари стипендияси берилди.

2016 йилги Манзилли дастурга асосан Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сурхондарё вилоятидаги «Амударё соҳили», «Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод», Хоразм вилоятидаги «Автомобилчи» оромгоҳларида кенг кўламдаги қурилиш, реконструкция ишлари амалга оширилиб, болажонлар соғломлаштирилиши учун барча шароит яратилди.

Жорий йилнинг ёз мавсумида 1 214 та оромгоҳда 303 минг 74 нафар бола, чунончи, стационар оромгоҳларда 163 минг 828 нафар, кундузги оромгоҳларда 139 минг 246 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. 4 560 нафар Оролбўйи ҳудуди болалари, 500 нафар иқтидорли болалар, «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўли қурилишида иштирок этган ходимларнинг 20 нафар фарзанди, «Меҳрибонлик» уйларининг 2 минг 807 нафар тарбияланувчиси, турли соҳа ходимларининг 45 минг нафарга яқин фарзанди, республика маҳаллаларида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оилаларнинг 4 минг 73 нафар ўғил-қизлари давлат бюджети, касаба уюшмалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Шу билан бирга, республика бўйича 242 та ихтисослашган оромгоҳлар ташкил этилиб, уларга 26 минг 483 нафар, 140 та меҳнат ва дам олдириш оромгоҳларига 5 минг 930 нафар болажонлар ҳамда ўсмирлар жалб қилинди. Барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мавсум давомида «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати», «Касаба уюшмалари — болаларга» акциялари, «Соғлом бола — юрт келажаги» шиори остида «Соғломжон-полвонжон», «Спорт — бу саломатлик», «Ёш қутқарувчилар» каби 11,5 мингдан ортиқ маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, ҳудудлардаги корхона, ташкилотлар балансида бўлган маданият саройлари ҳамда туман, шаҳарлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият юритувчи болалар бадиий жамоалари иштирокчилари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» Республика кўрик-танлови ташкил этилиб, санъатга иқтидори баланд бўлган ўғил-қизлар рағбатлантирилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, аввало, қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун, шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун кредитлар ажратиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Шу мақсадларда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 1 175 та корхонада 3 500 дан ортиқ ёш оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. 24 729 та корхонада ёш оилалардан 73 минг 314 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар учун республика бўйича 4882 та янги иш ўрни яратилди.

Меҳнат жамоаларида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва моҳиятини тарғиб этувчи «Маънавият соатлари», давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилиб, ходимлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган тизимли саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳияти етказилди.

Мухтасар айтганда, иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш баробарида, халқимиз турмуши сифати ва даражасини янада оширишда муҳим омил бўлган ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшиш касаба уюшмаларининг бирламчи вазифаси бўлиб қолаверади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари**

4 декабр – Сайлов куни

## Ёшлар даврасида

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу боис жойларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.**

Бош Қомусимизда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоқ касаба уюшмаси ташаббуси билан Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўқувчилар билан учрашув ўтказилди.

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва сайловга оид Қонунлар мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сайловларда овоз бериш қоидалари, тартиб ва талаблари ҳақида тушунча берилди.

Коллеж ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ойбек ҒАНИБОЕВ,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти**

## Сайлов қонунчилиги — оммага!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим воқеа бўлиб, айни пайтда жойларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва маданиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда.**

Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сирдарё вилоят бошқармаси меҳнат жамоасида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Зебо Ҳайдарова, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ғулом Жумабеков Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини таъкидлади.

— Бу каби тадбирлар вилоятимизнинг барча йирик корхона, ташкилот ва муассасаларида бўлиб ўтмоқда. Уларда ҳуқуқшунослар, шоир ва ёзувчилар сиёсатчилар ва маънавият тарғибот гуруҳи аъзолари меҳнат жамоалари ўртасида сайлов қонунчилиги доирасида тарғибот ишларини олиб боришмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қ.Эшназаров.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## «Келажагим учун овоз бераман»

**Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Марғилон шаҳридаги қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Иброҳимжон Мамасиддиқов биринчи марта қатнашади.**

— Яқинда ўн саккиз ёшга тўлдим. Сайлов куни ўз конституциявий ҳуқуқимдан тўлиқ фойдаланаман, — дейди у. — Коллежимизда «Мен ўз келажагим учун овоз бераман» шиори остида ўтказилган тарғибот тадбирида иштирок этиб, мамлакатимизда яратилган миллий сайлов тизими, сайловга оид қонунчилик ҳамда сўнгги йилларда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, сайловчиларнинг Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида батафсил маълумот олдим. Сайлов куни ўзим муносиб деб билган номзод учун овоз бераман.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**меҳнат фахрийси**

## Ижтимоий фаоллик

**Сайлов жараёнидан хабардорлик, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш сайловчиларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этиши ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилишини таъминлайди. Шу маънода оммавий ахборот воситаларида сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот бериб борилаётгани диққатга сазовор.**

Миробод туманидаги сайлов участкаларида ҳам муҳим сиёсий жараённи юксак савияда ташкил этиш учун пухта тараддуд кўрилиб, сайловни ошкора, демократик тамойиллар асосида ўтказиш ва сайловчиларнинг ўз хоҳишини эркин ифода этиши учун зарур қулайликлар яратилган. Жумладан, улар замонавий компютер, алоқа воситалари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Сайловга оид қонунлар, ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиёт ва қўлланмалар мавжуд. Тиббиёт, она ва бола хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Овоз бериш кабиналари, қутилар шай ҳолатга келтирилган. Сайловга тайёргарлик доирасида турли тарғибот тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказилаётир.

Шу ўринда мамлакатимизда хотин-қизларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу опа-сингилларимизнинг турли соҳаларда эркаклар билан ёнма-ён туриб фаолият юритаётгани, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз ўрни, фикри, мавқеи ва танловига эгалиги мисолида ўз ифодасини топаяпти. Президент сайлови билан боғлиқ жараёнлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Эътиборли томони, сайлов участкаларида ёш болали оналар учун қулай имкониятлар ҳозирланган.

Участкаларда кўзи ожиз фуқаролар учун биринчи марта брайл ёзувидаги бюллетенларда овоз бериш ташкил этилаётгани яна бир қувонарли ҳолат. Шу билан бирга, ҳудудда рўйхатга олинган ёши улуғ инсонлар, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратилган. Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол ва тенг иштирок этишини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Сайлов куни фуқаролар билдирган ишонч янги муваффақиятларга пойдевор бўлади. Бу мамлакатимизнинг дунё ва минтақадаги нуфузини янада юксалтириш, халқаро майдондаги позициясини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**Гулбаҳор ҚУЛМАТОВА,**
**Тошкент шаҳар Миробод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

Рағбат

## Касбга садоқат

**Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан вилоят Темирйўлчилар маданият саройида Термиз минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси тадбир ўтказди.**

Тизимда ёшларга касб сирларини пухта ўргатиб, маҳорати ошишига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ темирйўлчилар рағбатлантирилди.

— Мақсад — темирйўлчиларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлик қобилиятини эътироф этган ҳолда, меҳнат унумдорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш, «устоз-шогирд» анаъналарини қўллаб-қувватлашдир, — деди Термиз минтақавий темирйўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси вакили К.Каримов.

Тадбирда молия бўлими бошлиғи Ҳ.Ниёзов, «Локомотив» депоси машинисти Б.Мамаев, вагон йиғув цехи ишчиси Ю.Мамараимов, электромеханик М.Танатаров, етакчи муҳандис Н.Хидиров, «Ғалаба» станцияси поезд тузувчиси Умар Бекназаров, Термиз темир йўл шифохонаси жарроҳлик бўлими бошлиғи А.Саитовларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ўқув-семинар

**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида жамоа шартномасининг аҳамиятига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят Меҳнат, Солиқ ҳамда Марказий банк бошқармалари, Ахборот маслаҳат ва бизнес маркази, шунингдек, кўплаб корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш берувчилари, кадрлар бўлими ходимлари, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари ва бирлашма вакиллари қатнашди.**

## Жамоа шартномасининг афзалликлари

Семинар аввалида бирлашма кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамованинг меҳнат муносабатларида жамоа шартномасининг аҳамияти хусусидаги маърузаси тингланди. Иштирокчилар ҳукмига меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишда иш берувчининг мажбуриятлари, меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномасининг аҳамияти, кичик бизнес субъектлари учун қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган имтиёзлар тўғрисидаги маърузалар ҳам тақдим этилди.

Шунингдек, бирлашма қошида ташкил этилган Юридик клиника фаоллари томонидан меҳнат соҳасида халқаро ва миллий стандартлар, меҳнат ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистонда шаклланган қонунчилик, ижтимоий меҳнат муносабатлари йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига ҳамда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди.

Семинар жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Мавлонбек ЗАРИПОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юристконсулти**

Юзма-юз

# Газетхонлар ҳузурида

**Ҳар бир даврий нашр муштарий билан тирик. Таъбир жоиз бўлса, унинг бугуни, эртасини ўқувчи белгилайди. Қиёфаси муносабатларда сайқалланиб боради. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳам доимо муштарийни қизиқтираётган мавзуларни муттасил ёритиб бориш ҳаракатида. Юзма-юз мулоқотларда газетхонлардан олинган таклиф-мулоҳазалар саҳифаларнинг янада ўқишли чиқишида қўл келади. Шу маънода таҳририят вакилларининг навбатдаги ижодий сафари Самарқанд ва Жиззах вилоятларига бўлди.**



Рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқандда матбуотга ўзига хос ҳурмат, яқинлик, ҳамфикрлик бор. Бу муаллифларимиз томонидан йўлланаётган турли мавзудаги мақолаларда акс этиб туради. Хусусан, касаба уюшмалари фаолиятини тизимли ёритишда бизга яқин кўмакчи бўлган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходимлари орасида таҳририятнинг бир неча танловларида ғолиб бўлган фаол муаллифлар бор. Шуни инобатга олган ҳолда, илк мулоқотни кенгаш ҳузурида иш бошлаган «Ўқув маркази»да ўтказдик.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, жорий йил вилоятда халқчил жамоат ташкилоти фаолиятини тарғиб қилиш, ОАВ орқали ҳар бир хонадонга кириб бориш борасида салмоқли ишлар бажарилган. Бирлашма кенгаши томонидан фаолият қирраларини ифодаловчи 200 га яқин рукн қуйи ташкилотларга тавсия этилиб, уларнинг ёритилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир бошланғич касаба уюшма ташкилотининг маҳаллий матбуот орқали чиқишлари ойда ўртача 4 тага тўғри келаётир. Маҳаллий телерадиоканалларида соҳа мутахассислари давомли чиқишлар қилиб, ҳар чоракда эфир орқали тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этишаётир. Шунингдек, очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаган ҳолда мурожаатлар билан ишлашда туман ва шаҳарларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабули марказлари» яхши самара бераяпти. Меҳнаткашларни ўйлантирган 700 га яқин масала ўз жойида бартараф этилгани, фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатиш ниятида Юридик клиника ва Ўқув маркази ташкил этилиши тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тинимсиз саъй-ҳаракатлардан далолатдир.

Учрашув чоғида бирлашма кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров ижодий ҳамкорлик меҳнаткашларга ҳақ-ҳуқуқларини англатишда, муносиб меҳнат шароитлари яратишда қўл келаётганини эътироф этди. Газета саҳифаларида касаба уюшмаларининг жўшқин ҳаётини ёритишда яна нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида мулоҳазаларини билдирди.

Таҳририят адабий муҳаррири Тўлқин Шернаев, Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими муҳаррири Абдулатиф Абдуллаев жамоат ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ташаббус ва илғор тажрибаларни газетхонларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларга тўхталди.

— Вилоятимизда касаба уюшмалари нашрига обуна ҳар йили намунали ташкил этилади. Чунки газетада бериб борилаётган жамоа шартномалари тузиш, унинг ижросини таъминлашга доир қимматли тавсиялар бошланғичларга доимий қўлланма вазифасини ўтамоқда, — деди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров. — Саҳифаларда касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган акциялар ёритилаётгани эътиборга сазовор. Аммо уларнинг аксарияти хабар ёки ахборот шаклида бўлаётир. Шундай оммавий тадбирларни кенгроқ шарҳлаб бериш, кўзланган мақсадни жонлироқ ифодалаш лозим деб ҳисоблайман.

Тадбирда таъкидланганидек, газетанинг ўқишли чиқиши, фикрлар хилма- хиллиги муштарийга ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мулоқот жараёнида газетхонларнинг саҳифаларни янада мазмунан бойитишга хизмат қилувчи мулоҳаза ва таклифларига кенг ўрин берилди.

**Ғолиб РУСТАМОВ,**
**бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири:**

— Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси касаба уюшмалари эътиборида. Шу боис ҳуқуқий мавзудаги мақолаларни қизиқиш билан кузатиб бораман. Кейинги пайтларда «Савол беринг, жавоб берамиз» рукни остида бериладиган мулоқотлар камайиб кетди. Кўпчилик учун фойдали бўлган шу мавзуга кенгроқ ўрин ажратилса.

**Майсара САЪДУЛЛАЕВА,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши ҳисобчиси:**

— Тизимдаги молиявий фаолият тўғрисида ҳам тавсиялар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айниқса, бошланғич ташкилотлар бу тавсиялардан анча нарса олади. «Касаба уюшмаларининг сиртқи мактаби» рукнидаги мақолаларни ҳам кутиб қоламиз.

**Нигора БАҲРИДДИНОВА,**
**кенгаш қошидаги Юридик клиника волонтёри:**

— Ўқув амалиётимизни кўнгилли равишда клиникада ўтказаяпмиз. Коллежда олган билимимизни шу ерда мустаҳкамламоқдамиз. Қолаверса, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш жараёнида иштирок этиб, тажрибамиз ошаяпти. Билишимча, ЎзКУФК қошида ҳам Юридик клиника мавжуд. Уларнинг фаолияти ҳақида кўпроқ мақолалар тайёрланса, биз учун фойдали қўлланма бўларди.

* * *

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши тизимидаги корхоналар фаолияти билан танишув ва мулоқотлар ҳам самарали кечди. Кенгаш раиси Рустам Валиев тизим корхоналаридаги қатор ибратли ишларни сўзлаб берди. Жумладан, вилоят иқтисодий ривожига салмоқли улуш қўшиб келаётган Насос станциялари бошқармасида меҳнат қилаётган минг нафардан ортиқ ходимга муносиб шарт-шароит яратилгани эътиборимизни тортди. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратиб келаётган экан.

— Ходимлар зиммасидаги вазифага сидқидилдан ёндашади, — дейди бошқарма бошлиғи Мардон Қўзиев. — Вилоятда қишлоқ хўжалиги майдонларининг муайян қисмини сув билан таъминлашдек масъулиятли ишни бажарамиз. Соҳада лоқайдлик, эътиборсизликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Мавсумда кунни кун, тунни тун демасдан меҳнат қилишга тўғри келади. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти билан ижтимоий шериклик асосида бақамти фаолият юритамиз. Жамоат ташкилотининг бирон таклифи маъмурият эътиборидан четда қолмайди.

Корхонада «Ходимлар гимнастикаси» ҳар бир тизимда жорий этилган. Барча бўлим ва цехларда ишлаб чиқариш йўналишидан келиб чиққан ҳолда тавсиялар асосидаги машғулотлар кундалик одатга айланган. Ходимларни спортга жалб этиш орқали саломатлигини тиклаш йўлида катта ишларга қўл урилмоқда. Касаба уюшманинг корхона ҳудудида мўъжаз спорт майдончаси барпо қилиш таклифи иш берувчи томонидан маъқулланди. Айни чоғда ички имкониятлар ишга солиниб, саломатликка хизмат қилувчи ана шу маскан бунёд этилаётир. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Шерали Ҳусановнинг эътироф этишича, спорт майдончаси ва спорт хонаси жисмонан чиниқишга хизмат қиладиган барча ашёлар билан таъминланади.

Газеталаримизга 2017 йил учун обуна бўлишга улгурган жамоада ходимлар билан суҳбат қизғин кечди. Таҳририят вакиллари муштарийларга ижодий жамоанинг келгуси режалари хусусида сўзлаб берди. Ўз навбатида, жамоа аъзолари томонидан билдирилган таклифларни фаолиятда қўллаш учун ён дафтарларига қайд этишди.

**Расул СУЮНОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши масъул ходими:**

— Нашрлар орқали ҳамкасбларимиз тажрибаси билан танишиб борамиз. Ўз фаолиятимиздаги янгиликларни ҳам газета саҳифаларига жойлашга ҳаракат қиламиз. Шу боис тизимдаги барча корхоналар, энг аввало, шу газетага обуна бўлади. Бу йил ҳам биринчилардан бўлиб ёзилдик. Газетада ёритилаётган мавзулар бизга манзур бўлаётир. Хусусан, тўйларимиз ҳақида берилган саҳифа менга жуда ёқди. Таҳририятга таклифим шуки, дунё касаба уюшма ташкилотлари тўғрисида ҳам мақолалар берилса, уларнинг ибратли ишлари билан танишсак.

**Комил СУЛТОНОВ,**
**корхона ҳисобчиси:**

— Ҳар бир матбуот нашрининг ўз ўқувчиси бор. Биз касаба уюшма нашрини муттасил ўқиб борамиз. Жорий йилдан эътиборан «Олам ва одам» рукнида бериб борилаётган хабарлар бизга манзур бўлмоқда. Дунёни билиш ҳамма учун ҳам қизиқарли. Аммо мавзулар такрорийлиги, бошқа нашрларда ёритилишига ҳам эътибор қаратиб, оригиналликка интилиш лозим, деб ўйлайман.

**Шоҳиста ОЧИЛОВА,**
**хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:**

— Корхона ва ташкилотларда жамоатчилик комиссияси катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Уларнинг фаолиятини газетада кенг ёритиш лозим. Йил давомида шу мавзу саҳифалардан ўрин олишини таклиф қилардим.

**Сурайё АШУРАЛИЕВА,**
**кадрлар бўлими бошлиғи:**

— Меҳнат муҳофазаси йўналишида тавсиялар, мутахассис чиқиши бериб борилишини истардик. Чунки бу мавзу ҳар бир жамоа фаолиятида асқотади. Шунингдек, газета сайтини янада ривожлантириб, саҳифаларга сиғмаган материалларни унга жойлаштириб, ҳавола бериб борилса яхши бўларди.

**Шоҳсанам АҲМЕДОВА,**
**корхона масъул ходими:**

— Газета — ҳаётимиз ойнаси. Уни бўяббежаб бўлмайди. Шу боис учраб турадиган баъзи муаммолар юзасидан танқидий-таҳлилий мақолалар бериб борилса, нашрга суянадиганлар сони янада ортган бўларди...

* * *

Жиззах вилоятида ҳам таҳририят ходимлари фаоллар ҳамда кўп сонли муштарийлар билан учрашиб, қизғин суҳбат қуришди.

«Жиззах электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган анжуманни корхона касаба уюшма ташкилоти етакчиси Илҳомжон Ўринов очар экан, тизим фаолиятидан ўрин олган энг муҳим устувор йўналишлар, бошланғичларга берилаётган имтиёзлар, қилинаётган ишларни оммага етказишда матбуот, хусусан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Сўзга чиққан таҳририят ходими Т.Шернаев касаба уюшмалари ҳаётига дахлдор янгиликларга тўхталаркан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун ҳақида гапириб ўтди. Хусусан, касаба уюшмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани, ходимларнинг алоҳида тоифалари, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, ҳунармандлар ва бир марталик ишларда банд шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлиги кафолатлари мустаҳкамланганини қайд этди.

— Бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшма ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди, — деди у. — Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларга ҳам касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилди. Шу билан биргаликда касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя функциялари ҳам кучайтирилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган механизмлар мустаҳкамланди.

Иштирокчилар фикр-мулоҳаза билдириш баробарида ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

* * *

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган тадбир ҳам қизиқарли кечди. Анжуманда институт касаба уюшма ташкилоти етакчилари билан бирга талаба-ёшлар ҳам қатнашди.

Институт касаба уюшма ташкилоти етакчиси Дилшод Очилов таъкидлаганидек, қирқ икки йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур ўқув даргоҳида бугунги кунда етти минг нафар талабага беш юздан зиёд профессор-ўқитувчи таълим-тарбия бериб келаяпти.

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг вилоятда ўз ўрни ва нуфузи бор, — деди Д.Очилов. — Уни халқимиз янада кўпроқ ўқиса деймиз. Баъзан газетанинг обуначига ўз вақтида етиб бормаслик ҳоллари учрайди. Бу эса муштарий кайфиятига салбий таъсир этади. Бундай ҳолат юзага келмаслиги учун қатъий курашиш даркор. Бунда балки шартномаларни уч томонлама тузиш лозимдир. Шунда воситачи ташкилотлар масъулияти янада ортармикин, деб ўйлайман...

Учрашув қизғин фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга уланди.

**Т.АЛИБОЕВ,**
**меҳнат таълими факултети касаба уюшма ташкилоти раиси:**

— Касаба уюшмалари фаолияти ва тажрибасидан ушбу нашрлар орқали хабардор бўлиб бораяпман. Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятига оид қизиқарли мақолалар тез-тез бериб борилса, деган таклифни киритаман. Зеро, ҳар бир давлатнинг ўз қонун-қоидалари бор. ХМТ Конвенциялари билан ички меъёрий ҳужжатлар қай даражада уйғун келиши мавзуси шахсан мени қизиқтиради.

**Ф.АҲМЕДОВ,**
**физика-математика факултети касаба уюшма ташкилоти раиси:**

— Талабалар эришаётган муваффақиятлар ҳақидаям мақолалар чоп этилса, айни муддао бўларди. Бу, ўз навбатида, ўқувчилар аудиториясининг кенгайиши, газеталарнинг янада оммалашишида аҳамият касб этади.

**Д.ҲАЙДАРОВА,**
**ўзбек тили ва адабиёти факултети 3-босқич талабаси:**

— Ҳуқуқий мавзудаги чиқишларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳуқуқшуносларига ҳам кенгроқ ўрин берилса. Негаки, улар жойларда юзага келаётган муаммолар билан шуғулланади. Ўйлайманки, «Инсонга наф келтириш — олий бахт!» деган жарангдор шиор газетанинг том маънода рамзига айланади...

**Ижодий учрашувлар чоғида Мустақиллигимиз ҳамда «Ishonch» газетасининг 25 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Ижод сеҳри» номли тўплам корхона ва муассасалар кутубхоналарига туҳфа қилинди.**

**Ўз мухбирларимиз**




Акс-садо

**Халқимизда ободлик кўнгилдан бошланади, деган ҳикмат бор. Негаки, саломатлик, умрнинг узунлиги атроф-муҳитнинг барқарорлигига ҳам бевосита боғлиқ.**

# Юрт ободлиги — кўнгил шодлиги

Тупроқ, сув, ҳаво ва бошқа неъматлар тоза бўлсагина саломатлигимиз мустаҳкам бўлишини ёдда тутиш даркор. Табиатимизга тушган қусур туфайли касалликлар эшигимиз олдида, ҳовлимиз орқасида, юрган йўлимизда урчийди. Шу боис энг аввал «Ҳеч ким кўрмайди», деб ярим кечада кўчага ахлат ташлаган одамни тарбият этишдан ўзимизни четга олмайлик. Мутахассисларнинг эътироф этишича, суви ифлосланган ариқдан вабо, ачиган, узоқ туриб қолган ошхона чиқиндиларидан ўткир ичак касалликлари, уй суприндисидан ичбуруғ ва куйдирги, очиқ ётган ахлат уюмларидан сил микроблари етилади.

Соғлом ҳаёт кечириш кўп жиҳатдан табиатга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Аксарият ҳолларда ота-оналар чиқиндиларни белгиланган жойга элтиб ташлашни болаларига буюришади. Аммо улар бу ишни қандай уддалаётганига қизиқишмайди, назорат қилишмайди. Ўйинқароқ бола эса нимагадир чалғиб ёки эринибми, уни уйи атрофига ташлаб кетади. Шу тариқа атроф-муҳит ифлосланишига билиб-билмай ўзимиз ҳам «ҳисса» қўшамиз.

Хонадоннинг саришталиги, энг аввал, унинг остонасидан бошланади. Бунга қандай амал қилинаётганини Тошкент шаҳридаги «Кўкча», «Исломобод», «Хасти-имом», «Чақар», «Ҳувайдо» маҳаллаларига борган киши гувоҳ бўлиши мумкин. Бу ерда яшаётган отахону онахонлар ўз кўчалари уйларидек тоза тутилишини ҳамиша назорат қилишади. Кўчани тозалаб, чиройли қилиб қўйиш одат тусига кирган. Оқибатда маҳалла кўчалари саранжом-саришта.

«Қуш уясида кўрганини қилади», дейди халқимиз. Худди шу руҳда тарбияланган болалар катта бўлгач, тозаликка риоя қилишни ўз фарзандларидан талаб қилишлари, табиий.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда тизимли экологик сиёсатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш натижасида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ҳамда оқова сувлар ташланиши қарийб икки мартага камайишига эришилди.

Бугун ҳар биримиз ўз кўчамиз, маҳалламиз, қолаверса, она табиатимиз софлиги ва беғуборлиги ҳақида қайғурсак, «Менга нима?» қабилида иш тутмай, чин маънода атроф-муҳит ҳимоячиси бўлсак, яшаш жойларимиз обод, соғлигимиз мустаҳкам бўлади.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**


ОБУНА — 2017



**Шоҳиста СОАТОВА,**
**Чилонзор туманидаги 164-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— «Ishonch» — севимли газетам ва доимий ҳамроҳим. Чунки ушбу нашрда чоп этилаётган мақолалар ёшу қарини бефарқ қолдирмайди. Унинг ҳар бир сонидан нимадир оламиз. Касаба уюшмалари фаолияти, тизимга оид янги меъёрий ҳужжатлар билан ҳам газета орқали танишамиз. Қолаверса, долзарб мавзулар акс этган турфа рукнлар ҳам киши диққатини тортмай қолмайди. Кейинги пайтларда «Жамоатчилик назорати» рукни ташкил этилганини алоҳида таъкидлаб, мавзулар доирасини янада кенгайтиришни таклиф қилардим. Жумладан, «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» мавзуи кўтарилгани айни муддао бўлди. Ортиқча дабдабалар ва унинг оқибатлари тилга олинган мақолаларни ишхонада жамоамиз ва ўқувчиларим, оилада фарзандларим билан муҳокама этдик. Ўзимизга тегишли хулосаларни чиқариб олдик. Ушбу нашрни севиб ўқишимнинг яна бир сабаби, бу ҳуқуқий мавзуда берилаётган мақолаларнинг мунтазамлиги ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигимизни оширишда бизга яқин маслаҳатчи бўлаётганлигидир. Хуллас, «Ishonch»ни ўзига ҳамроҳ қилган киши асло ютқазмайди. Шундай экан, ушбу газетага обуна бўлсангиз энг яқин маслаҳатчи, доно ҳамсуҳбат, ишончли сирдош, ҳақиқий дўст ва ҳамроҳга эга бўласиз.



**Ishonch — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!**

Нашр индекси — 133.

Тўлиқ бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — 3133.



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:50
Topshirildi — 22:10

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 1115.
13695 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Таҳририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100